

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январ-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 21 729,0 млрд.сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январ-декабрига нисбатан ўсиш суръати 103,4 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январ-декабр ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 147,7 фоизни ташкил қилди.

Январ-декабр ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		2017 йил январ-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	14232,2	21729,0	103,4
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	13847,9	20996,6	103,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	384,3	732,4	103,2
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	13847,9	20996,6	103,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3940,6	5441,6	103,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	7168,2	12237,4	102,1
саноат	6581,7	11350,8	99,8
қурилиш	586,6	886,7	128,5
Хизматлар	2739,1	3317,7	105,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	762,0	930,7	104,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	569,6	631,0	106,2
бошқа хизматлари	1407,4	1755,9	106,7

Январ-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)



2018 йилнинг январ-декабр ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (128,5 %), бошқа соҳа хизматлари (106,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (106,2 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги хизматлари (103,9 %), Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (102,1 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 42,4 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январ-декабрга нисбатан 5,5 фоизли бандга камайди.

2018 йил январ-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 15,8 фоиз (2017 йил январ-декабрида 19,8 фоиз)ни ташкил қилди.